ҚУВАСОЙНИНГ “ЦЕМЕНТЧИ” ЖАМОАСИ ВА ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ ЛИГАСИ ПЕШҚАДАМЛАРИДАН “ХЎЖАНД” ФК ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВДА ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят делегациясининг Тожикистоннинг Сўғд вилоятига сафари давомида Хўжанд шаҳрида “Фарғона маданий кунлари” ҳамда Қувасойнинг “Цементчи” жамоаси ва Тожикистон олий лигаси пешқадамларидан “Хўжанд” ФК ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Хўжанд марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган учрашувда иштирок этган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва Сўғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода майдон марказида тўпни рамзий тепиб, ўйинни бошлаб беришди.

Томошабинлар билан тўла ўйингоҳда ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик ва биродарлиги, яхши қўшничилик муносабатлари руҳи сезилиб турди. Ўйин 1:1 ҳисобида дўстона дуранг билан якунланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-09-10 12:16:20